Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 17 октябрь, шанба № 205 (21.303).

• Миллий қадриятларимиз

МАҲАЛЛАНГ-ОТА-ОНАНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДАН:

Янги ташкил этилган жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

Ўзбекистон аҳолисининг тарихан таркиб топган удум ва анъаналарини авайлаб-асраш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш ғояларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;

бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кўмаклашиш.

Минг шукурки, тарихан шаклланган миллий-маданий қадриятларимиз тикланяпти. Ўзбекистон мустақиллиги бунга кенг имкониятлар очиб бермоқда. Шарқона яшаш тарзи, миллий урф-одатларимиз, удумларимиз шаклланадиган, камол топадиган, ўзин тўла намоён этадиган даргоҳ қадим-қадимдан маҳалла бўлган.

Маҳаллалар оқсоқоллари — ҳокимиятнинг бошланғич бўғини сифатида азал-азалдан муайян жамоа турмуш-тирикчилигидан, ҳаёт тарзи тинч-осойишталигидан хабардор бўлиб турган. Маҳалла оқсоқоллари шу жамоани бошқарган, ободончилик ҳақида қайғурган, ҳашарлар уюштирилган. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти маҳаллалар фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни кўрмоқдаки, булар орасида «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилиши моҳияти жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президентининг республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисидаги Фармони Тошкент шаҳрида, жумҳуриятнинг барча шаҳар-қишлоқларида чуқур мамнуният билан кутиб олинди ва қўллаб-қувватланмоқда.

ВАТАН ТУЙҒУСИ ШАКЛЛАНАДИГАН ОШЕН

«Қ УШ уясида кўрганини қилади» деганлари бежиз эмас. Маҳалла шундай гўшаки, унда истиқомат қиладиганлар бир-бирларидан андоза олишади.

Айтайлик, тўй-маъракa бўлмоқчи. Маҳалла оқсоқоллари аввал маъракa куни, кейин унинг харажати ҳақида тайинли гап айтадилар. Бунинг боиси бор: аввало, бир маҳаллада тўй-маъракa аралашиб кетмаслиги, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги, қозон, самовар, стол-стул, лаган каби буюмлар етишмай қолмаслиги керак. Бунинг устига назорат деган талаб ҳам бор. Тўйнинг тинч ўтиши, маъракaнинг қисқа фурсат давом этиши, меҳмонизмоннинг иззати ўрнига қўйилишини ҳам маҳалла фаоллари кузатиб, зарур бўлса тузатиб туришади.

— Маҳалланинг сариштaлиги, ободончилиги ҳам маҳалла қўмитасиз аъзолари кўз ўнгида. Эшик олдида ахлат тўпланиб қолиши, енгил машиналарнинг тез ҳаракатланиши, ёш-ялангнинг кўча-кўйдаги беибо муомаласи, кийинишидаги бачканалик, қарилар, яъни парилар бор жойда бир имо билан изга тушади, — дейди Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги Катта Қаъни маҳалла қўмитаси раиси Қобилжон Қодиров.

Дарҳақиқат, кейинги иккиуч йилда маҳаллани ободонлаштириш борасида анча ишлар қилинди. Ҳашар йўли билан катта жомъе масжиди қурилди, чойхоналар барпо этилди. Янги сартaрошлик, сомсахона, гўшт, сабзавотчилик дўконлари ишга тушди.

Ҳозир маҳалла марказидан Гузар учун ер майдони очилди. 250 ўринли клуб, 190 ўринли болалар боғчaси, икки қаватли озиқ-овқат, саноат моллари магазинлaри бинолари лойиҳа-смета ҳужжaтлари тайёрланди. Яқинда яна бир хайрли иш-

(Давоми иккинчи бетда).



● Бир фарзандга
етти қўшни—ота-она.
● Ота бўлиш осон,
одоб бериш қийин.
● Булбул чаманни
севар,
Одам—Ватанни.
● Айрилмагин
элингдан,
Қувват кетар
белингдан.
● Қўрпанг қаерда
бўлса,
Кўнглинг шу ерда.
● Бирлашган дарё
бўлур,
Тарқалган ирмоқ
бўлур.
● Айрилган йўлда
қолар,
Бўлинган—дўлда.
● Қиндик қони
тўкилган жойда қонинг
бор,
Меҳнат қилган ерда
молинг бор.

●

● «БИР ПИЕЛА ЧОЙГА МАРҲАМАТ!»

* * *

● НОН — ДАСТУРХОНИМИЗ КУРКИ.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 16 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	1.77	60.33
Андижон	2.80	56,43
Бухоро	2.41	52.59
Наманган	3.35	47.00
Сурхондарё	2.10	44.23
Хоразм	2.15	41.97
Қашқадарё	3.05	38.39
Қорақалпоғистон Республикаси	2.45	31.05
Навоий	2.01	26.40
Тошкент	3,59	23.78
Самарқанд	2.18	15.11
Сирдарё	2.84	12.90
Жиззах	2.70	11.28
Республика бўйича	**2,59**	**36,90**
1991 йилдагиси	**2,09**	**83,90**

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

● Данғара районидаги «Сирдарё» давлат хўжалиги пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб машинада пахта териш режасини бажардилар.

2740 гектар ерда пахта етиштирилди. Терим машиналарининг ўз вақтида ва сифатли ремонтдан чиқарилгани, механизаторларга яхши маданий-маиший шароит яратилгани туфайли режа ортиғи билан бажарилди. Пўлат этаклардан 4 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкилди. Ҳар бир терим агрегатининг ўртача иш унуми 80—100 тоннани ташкил этмоқда. А. Раҳмонов, Н. Ҳотамов, М. Жўраев, О. Ҳайитов, Т. Тошбоев сингари механик-ҳайдовчилар машина бункерларидан 100—120 тоннадан пахта тўкишди.

Алишер ИБОДИНОВ.

БУРҲОНИДДИН РАББОНИЙ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний бошчилигидаги делегация 15 октябрь куни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ҳамроҳлигида Бухорога келди.

Муҳтарам меҳмонларни Бухоро тайёрагоҳида Бухоро вилояти ҳокими Дамир Ёдгоров ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Делегация аъзолари Бухоро амири Саид Олимхоннинг собиқ ёзги дала ҳовлиси—Ситораи Мохи Хосса билан танишдилар. Бу ерда Раббоний жаноблари меҳмонлар китобига ўз дастхатларини ёзиб қолдирдилар. Дастхатда, жумладан, шундай сўзлар бор: «Бухорои шарифни зиёрат қилмоқни кўпдан орзу этардим. Бугун Оллонинг иноятн билан орзуим ушалди. Бунинг учун мени Ўзбекистонга таклиф этган жаноб Ислом Каримовга, мени бу ерга бошлаб келган Бухоро ҳокими жаноб Дамир Ёдгоровга ташаккурларим бўлсин...».

Афғонистонлик меҳмонлар таърифи етти иқлимга кетган тарихий обидалар — Сомонийлар мақбараси, Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Лабиҳовузни қизиқиш билан томоша қилдилар.

Б. Раббоний жаноблари бизга берган интервьюсида, жумладан шундай дедилар:

— Ўзбекистондан илиқ таассуротлар билан қайтиб кетяпман. Президентингиз жаноб Ислом Каримов олиб бораётган тинчликпарварлик сиёсати бизга жуда маъқул. Афғонистон — Ўзбекистон алоқалари эндиликда янада ривож топади. Самимий меҳмондўстлик учун ўзбек халқидан миннатдорман.

Афғонистон Ислом давлатининг Б. Раббоний бошчилигидаги делегацияси шу куни Бухородан Ватанига жўнаб кетди.

И. САФАРОВ, ЎзА мухбири.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИ КЎЧМА МАЖЛИСИ

ЖИЗЗАХ. (Ўз мухбиримиздан). Вилоят ҳокимлигининг мажлислар уйида атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика юбилей комиссиясининг кўчма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари, юбилей комиссиясининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков олиб борди.

Мажлисда вилоят ҳокими Э. Турсунов, Жиззах шаҳар ҳокими А. Соатов, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоятда тузилган юбилей комиссиясининг раиси Ў. Олимов: юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

Йиғилишда Шароф Рашидов фондининг раиси этиб И. Ҳ. Жўрабеков, унинг ўринбосари этиб Ш. О. Убайдуллаев тасдиқландилар.

Мажлисда Шароф Рашидов фондининг раҳбарияти сайланди.

Б. САТТОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВАТИКАН ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Ватикан муқаддас курсиси Қўшма ахборот қабул қилиш йўли билан ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатишга қарор қилдилар.

Қўшма ахборотда хабар қилинишича, Ўзбекистон Республикаси ва Ватикан муқаддас курсиси ўзаро муносабатларни ривожлантириш истагида Ўзбекистон Республикаси тарафидан элчихона ва Ватикан муқаддас курсиси тарафидан роҳиблик ваколатхонаси даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатдилар.

Қўшма ахборот Тошкентда 1992 йил 17 октябрь куни қабул қилинди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги.

ХДП: одамлар орасида

УЧРАШУВЛАР, ДИЛДАН СУҲБАТЛАР

ХДП Уйчи район кенгашида бўлиб ўтган учрашувда бир гуруҳ ишчи, меҳнаткаш ва эмёлиларга янги партия билетларини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов топширди. Янги партия билети олган одамлар бу учрашув бир умр унутилмас бўлиб қолиши билан бирга, партия ва жамоа ишларида фаол иштирок этиш масъулиятини ҳам юклайди, дея таъкидлашди.

Учрашув сўнгида «Ғайрат» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби М. Валиева партия билетлари топширишни районда биринчи бўлиб якунлагани ва партиявий-ташкилий ишларда фаоллик кўрсатаётгани учун район партия кенгаши ҳисобидан минг сўм пул билан мукофотланди.

Маълумки, ҳозир пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. М. Расулов «Уйчи» жамоа хўжалигининг 3-бригадаси дала шийпонида бўлди. У дала меҳнаткашларига республикамиздаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида қисқача гапириб берди. Шунингдек, Наманган шаҳридаги «Чинор» маҳалла қўмитасида бир пиёла чой устида оқсоқоллар ва фаоллар билан учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашув дилдан суҳбатга айланди. Маҳалла аҳли Президентимиз тутаётган сиёсатни, жумладан «Маҳалла» жамғармаси ташкил этилганини қўллаб-қувватлашларини айтишди.

— Бундай эътибор, ғам ҳўрлик учун раҳмат. Маҳалла қўмитамизга икки қаватли янги бино қуриб берилгани, талай ободончилик ишлари амалга оширилганлиги ҳам шундан далолатдир, — деди «Чинор» маҳалласи вакили Нусратилла Орифбоев.

— Маҳаллаларга эътибор туфайли аҳиллик, ҳамжиҳатлик ортаяпти. Биз ҳаммамиз президентимиз атрофига жипслашиб, ёрдам беришимиз керак. Шунда бу қийин кунлар ортда қолади.

Ўртоқ М. Расулов Наманган районидаги Р. Турсунов номидаги жамоа хўжалиги меҳнаткашлари билан учрашди ва партия аъзоларига янги партия билетлари топширди. Шундан сўнг биринчи котиби Тўрақўрғон районида бўлиб, «Тўрақўрғон» жамоа хўжалиги пахтакорларини йиллик режани бажарганликлари билан табриклади. «Намуна», «Наврўз» жамоа хўжаликлари пахтакорлари билан учрашиб, суҳбатлашди. Биринчи котиб Задарё районида пахтакорларга ёрдамга келган талабалар билан дилдан суҳбат қурди. Уларга яратилган шароит ва қулайликлар билан танишди.

Сафар чоғида М. Расуловга вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев, ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Б. Аҳадов ҳамроҳлик қилишди.

А. МАДАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП Андижон шаҳар кенгаши пленуми

ХДП Андижон шаҳар кенгашининг пленумида «Ўзбекистон Республикаси янги Конституция лойиҳаси ва партия ташкилотининг вазифалари ҳамда жумҳурият Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг аҳамияти, рисолани омма ўртасида тарғиб қилиш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Шаҳар партия кенгашининг иккинчи котиби В. Шокирова ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар янги Конституция лойиҳаси ҳақида сўз юритдилар. Шаҳар маърифий уюшмаси билан ҳамкорликда махсус гуруҳлар тузилиб, жойларда лойиҳа хусусида суҳбатлар, баҳслар ўтказилаётгани таъкидланди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Пленум ўртоқ М. Қирғизбоев Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланганлиги муносабати билан уни Андижон шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби ва бюро аъзолигидан озод қилди. Шу ташкилотда иккинчи котиб бўлиб ишлаган З. Шокирова ХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев нутқ сўзлади ва бир гуруҳ партия аъзоларига янги билетлар топширди. Пленум ишида ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров, Андижон шаҳар ҳокими Қ. Обидов иштирок этдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

● ТОЖИКИСТОН ДАРДИ — БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

● «Дўст кулфатда билинади» — донишманд халқ ана шу оддий, аммо ҳаққоний хулосага келиш учун неча-неча фожиаларни кўрган. Ҳар гал дўст қўлидан дардига малҳам топар экан, бу олий ҳақиқатни авлодларга йўриқ, сабоқ сифатида қолдирган. Ҳозир фожиали кунларни бошидан кечираётган Тожикистон халқи минг йиллардан буён ўзи билан биродарликда яшаб келаётган ўзбек қардошининг ҳақиқий дўст эканига яна бир карра амин бўлди.

Фожиа бошланган илк кунларданоқ қўшни халқ тақдири ҳақида кўнглида безовталик туяётган жумҳуриятимиз аҳлининг хоҳиш ва иродасини инобатга олар экан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳонни тожик халқига ёрдам зарурлигидан биринчилар қатори огоҳ этди. Дарҳақиқат, Тожикистон бугун машъум биродаркушлик уруши исканжасида қолди. Юзлаб бегуноҳ қурбонлар, минг-минглаб бошпанасиз қочоқлар — осуда турмушга тажовуз қилган урушнинг оқибатларидир.

Кейинги маълумотларга қараганда, тўқнашувлар юз бераётган Кўлоб ва Қўрғонтепа вилоятларида очарчилик, турли касалликлар ҳуруж бошлаган. Тожикистон Жумҳурияти Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Каримовнинг айтишича, республикада бор-йўғи бир ҳафта-ўн кунга етадиган озиқ-овқат қолган, холос. Ана шундай вазиятда Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Вазирлар Маҳкамаси МДҲ давлат ва ҳукумат бошлиқларига иқтисодий ёрдам сўраб мурожаат этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бу Мурожаатига жавобан Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ қардош республика аҳолисига 400 тонна ун, 10 тоннадан кўп гуруч, макарон маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи, 5 тонна шакар, кўплаб дори-дармон, кўрпа-тўшак, болалар кийимлари ва пойабзаллари, чодирлар жўнатиш мўлжалланган.

(Давоми иккинчи бетда).

ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Қарши шаҳар партия кенгашининг пленумида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. А. Очилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Илгари шаҳар партия кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келган М. Туробов биринчи котиб, Т. Тўланов шаҳар партия кенгашининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ишида Қашқадарё вилояти ҳокими Т. Ҳидиров, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, шаҳар ҳокими М. Маҳмудов қатнашдилар.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҒОЛИБЛАРГА СОВРИНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Кеча хабар қилинганидек, 15 октябрда Тошкентдаги Алишер Навоий номли Санъат саройида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси таъсис этган бош соврин «Олтин семурғ» Австралиянинг «Споствуд» фильмига берилди.

Мексиканинг «Бенҳаминлик аёл» фильмида эркаклар ролини қиёмига етказиб ижро этгани учун актёр Эдуардо Лопес Рохас «Олтин арча», Ҳиндистоннинг «Биз яшаётган уй» фильмида аёллар ролини қойилмақом ижро этгани учун актриса Огарна Сен «Олтин лола» совринига сазовор бўлдилар. Туркиялик Мехмет Тангрисевар картинасига дастлабки фильми «Сургун» учун энг истеъдодли режиссёрга аталган «Кумуш семурғ» мукофоти берилди. Ҳўжа Насриддин мукофоти япониялик режиссёр Кацуми Насикаванинг «Севги косаси» фильмига миллий анъаналарни мужассам қила олгани учун берилди.

Томошабинлар севиб қолган фильм учун янги таъсис этилган Раж Капур совринини Ҳиндистоннинг «Хенна» картинаси олди.

• Миллий қадриятларимиз

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

га қўл урилди. Шаҳардаги 6-касалхона бош врачи Пўлатжон Жуманиёзов Мустақиллик кунини нишонлашга бағишланган йиғилишда қатнашиб, илтифот кўрсатди. Маҳалладаги ногирон, касалманд кишиларни ўн беш кунда бир келиб тиббий назоратдан ўтказадиган, зарур тиббий ёрдамга муҳтож беморларни касалхонага ордерсиз жойлаштиришини маълум қилган эди. Шу ваъда аста-секин бўлса-да, рўёбга чиқаётганлиги маҳалладошлар кўнглини кўтармоқда.

Шундан қиёс қилганда, маҳаллалар ободончилиги жуда муҳим тадбир. Бу иш катта маблағ талаб этиши шарҳга муҳтож эмас. Ахир, ўйлаб кўринг, биргина Тошкент шаҳрининг 370 таси ортиқ маҳалласи бор. Ушбу маҳаллалар қўмиталари ҳудудида 1 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўп қаватли уйлар қошида ҳам маҳаллалар ташкил этила бошлади. Бундай қилиш унутилиб кетган қадриятлар қайта тикланишига, миллий урф-одатларимиз, удумларимиз қадр топишига, янги анъаналар билан бойитишга катта имкониятлар очади.

— Бугунги кунда маҳалла қўмиталари аҳолининг истиқомат жойларида чиндан ҳам ўз-ўзини бошқариш бўғини бўлиб қолиши зарур, — дея изоҳ берди. Тошкент шаҳар маҳаллалар ва уй қўмиталари билан ишлаш доимий комиссияси раиси Шукуржон Темуров. — Кейинги икки йил мобайнида республика пойтахтида маҳаллаларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган «Маҳалла дастури» ижтимоий ҳаётда муҳим воқеа бўлди. Муҳимлиги шундаки, бу дастур Тошкент шаҳрини янада ривожлантириш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини маълум тартибда мувофиқлаштириб олиб бориш истиқболларини очади.

Очиғини айтганда, бундай дастурлар Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, шаҳарлари учун ҳам зарур. Нега? Тошкент маҳаллалари тажрибаси шуни кўрсатдики, маҳалла қўмиталари яхши фаолият кўрсатаётган жойларда ўғрилик, жиноятчилик, тартиббузарлик каби иллатлар кескин камайиб бораётир. Маҳалла жамоалари аъзолари ўртасидаги аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат , бир-бирига кўмаклашиш каби удумларимиз такомиллашмоқда.

Ҳозирги вақтда маҳаллаларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти катта. «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг», деган нақл бекорга айтилмаган. Маҳаллалар фаолияти билан яқиндан таниш фуқаролар ҳаётда маҳалладагидек ихчам, таъсирчан, одил тарбия ўчоғи кам бўлишини астойдил тан олмоқдалар. Шу боис республика ҳукумати, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маҳаллалар ишига алоҳида эътибор беришни тавсия этди. Шу йил бошида Президентимиз Тошкент шаҳар маҳалла қўмиталари фаоллари вакиллари билан учрашганда, маҳаллаларнинг жамият фаолиятида тутган ўрнига юксак баҳо берди.

Дарҳақиқат, маҳалла шундай мўъжизакор ошёнки, ростгўйлик, виждон, имонэътиқод, кексаларга ҳурмат, диёнат, оқибат, ватан туйғусини қалбда ҳис этиш маҳалладан бошланади.

Ўзлигимизни англашда, миллий урф-одатлар, анъаналарни такомиллаштиришда ойдин йўлга чиқиб олдик. Бу йўлни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти оқилона сиёсат тутиб, миллий ғуруримизни тиклаш, миллий урф-одатларимизни қадрлаш, анъаналарнинг замонага хос жиҳатларини такомиллаштиришда катта ғамхўрликлар қилмоқда. Зарур ҳолларда моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлашга ҳукумат бюджетидан маблағ ажратилмоқда. Президентимизнинг республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш ва унга маблағ ажратиш тўғрисидаги Фармонлари бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган оилалар ва алоҳида фуқароларнинг ижтимоий аҳволини ўнглаб олишда ўзига хос мадад бўлади, албатта.

Хўш, бу фармонларнинг асосий моҳияти нима? Ҳукумат томонидан ажратилаётган маблағлар нималарга сарф этилади? Фармонда таъкидланганидек, «Маҳалла» жамғармасига ўтказиладиган пуллар ҳамда бошқа моддий маблағлар асосан камбағал оилаларга, ногиронларга, . етим-есирларга, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш ҳамда аҳолининг ижтимоий зарур талаб ва эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Ушбу Фармонда яна вазирликлар, идораларнинг, корхона-хўжаликларининг, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига инсонпарварлик, меҳр-шафқат ғояларини тарғиб этишга доир тадбирларни амалда рўёбга чиқариш, республика аҳолисининг энг муҳтож табақаларини моддий жиҳатдан қўллаш, ёрдамлашиш тавсия этилди.

Иқтисодий қийинчиликлар шароитида бу Фармонларни фуқаролар мамнунлик билан кутиб олдилар. Шундай пайтда республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Маҳалла» хайрия жамғармасига 25 миллион сўм ўтказди. Бу олижаноб саъйи-ҳаракатни Тошкент шаҳар ҳокимияти давом эттирди. Шаҳар бюджетидан шу жамғарма ихтиёрига 5 миллион сўм пул, ҳамда бир енгил автомашина берилди. Мадад берувчилар сафи кенгаймоқда. Ёқилғи-энергетика, кимё саноати, металлургия, тармоқлари корхоналари маҳаллаларнинг умумий жамғармасига 3 миллион 25 минг сўм ўтказишга қарор қилишди. Машинасозлик корхоналаридан жамғармага 1 миллион сўм тушди.

Яна кўп ташаббуслар юзага келмоқда. Кўпгина меҳнат жамоалари маҳаллаларни оталиққа олишмоқда.

...Тошкентнинг Юсуф Саккокий маҳалласида меҳр-шафқат, хайрия йўлида кўплаб ишлар қилинмоқда. Кечагина ҳашар усулида маҳалла чойхонаси ишга тушди. Чойхона тантанали тарзда очилди. Маҳалла қўмитаси раиси Жўрабой Алимовнинг далолатича, янги чойхонада энг муҳим нуфузли тадбирлар, тўйлар, юбилей кечалари ўтказиб борилади. Дошқозонда ош дамланиб, барча иштирокчилар сийланди. Дилрабо қўшиқлар маросимга файз киритди. Чойхона очилишидан хабар топган шаҳар ҳокимияти 24 та чойнак, 30 дона коса, 60 та пиёладан иборат совға йўллабди.

Ҳа, чойхона қолиб пивохонага ўзни уришлар, тўйларда ичкиликбозлик қилишлар, ота-она оламдан ўтганда ҳам миллий маъракалардан чўчиб, ўзини четга олишлар (сафарга жўнаш ёки касалхонага ётиб олиш) ортда қолгани рост бўлсин.

Ўзлигимизни таниб, жаҳонга ўзбеклигимизни ростмана кўрсатадиган илмда доно ҳунарда чаққон, иш юритишда тадбиркор, маҳаллаларда хулқ-одоби маъқул ёшларни тарбиялайлик.

* * *

Ўзбекона мағрурлигимиз сабабларидан бири оқибатлилигимиздир. Оқибат, айниқса, қийин палларда синовдан ўтади. Ҳозир ҳам иқтисодий етишмовчилик руҳимизга таъсир қилиброқ турибди. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Бунга республика раҳбарияти кафолатлар бермоқда. Халқ эса ҳукумат тутган йўлни маъқулламоқда.

Қўйида маҳаллалардаги ишлар ҳақида йўлланган дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

ЖАМҒАРМАГА 5,5 МИЛЛИОН СЎМ ЎТКАЗИЛДИ

— Айтиш керакки, бизнинг Миробод районида бу борада илгаридан анча тадбирлар белгиланиб, амалга оширилянти. Айниқса, маҳаллаларни ободонлаштиришга эътибор кучайтирилмоқда. Маҳаллаларда савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриляпти. Район ҳокимияти раҳбарлари маҳалла қўмиталари раислари, аъзолари билан учрашиб, қийинчиликлар, муаммоларни ҳал қилишга баҳоли қудрат ёрдам бермоқда.

Яқинда район ҳокимияти Президентимизнинг юқоридаги Фармонини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз имкониятларидан келиб чиқиб, «Маҳалла» хайрия жамғармасига 5,5 миллион сўм ажратишга қарор қилди.

Бу маблағ биринчи навбатда Улуғбек посёлкасидаги маҳалла қурилишига ҳамда Марказ-1 да барпо этилаётган маҳалла қурилишига сарфланадиган бўлди. Ҳозир ижтимоий мақсадларга ҳам маблағ ажратиш режадир. Бундан ташқари маҳаллаларда канализация тизимини барпо этиш учун йил охиригача 4,5 миллион сўм пул ажратиш кўзда тутилмоқда.

Хуллас, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бундан буён ҳам тўлдириб бориш ниятимиз бор. Ҳозир районимиз ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар, муассасалар бу жамғармага пул ўтказишни бошлаб юбордилар. Ўйлаймизки, бу хайрли ишдан ҳеч ким четда турмайди.

И. РАСУЛОВ,
Мирзо Улуғбек райони ҳокимининг ўринбосари.





Тошкент шаҳар маҳаллалари чирой очмоқда. Шаҳарнинг Кўкча даҳасида ҳокимият буюртмасига кўра, маҳалла маданий маркази барпо этилаяпти. Бунёдкорлик ишларини тез суръатлаштириляпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Маҳалла маркази шундай бўлади. 2. Даҳадаги маҳалла марказини тиклаётган қурувчи-монтажчилардан бир гуруҳи. 3. Марказ ички гумбази кўрниниши.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жумҳурият «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонини ўқиб, айниқса хурсанд бўлдик. Зеро, бизнинг концерн ихтиёридаги корхоналарда ишлаётган кишиларнинг кўпчилиги маҳаллаларда яшашади. Уларни ҳозирги иқтисодий танглик шароитида моддий ва маънавий қўллаш ўта муҳим ишдир.

Эсингизда бўлса, шу йилнинг бошларида Президент И. Каримов маҳалла фаоллари билан учрашганда, маҳаллаларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлаганди. Бу учрашувда бизнинг ишчиларимиз яшаётган маҳаллалар вакиллари ҳам қатнашганди. Шундан сўнг, биз биргалашиб маҳаллаларга қандай ёрдам бериш тадбирларини ишлаб чиққандик. Мана, ҳозир пойтахтнинг «Ўрикзор», «Роҳат» маҳаллалари вакиллари билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб бораяпти. Уларга қўлимиздан келган зарур кўмакни бериб турибмиз.

Куни кеча «Маҳалла» жамғармаси очилгач, концерн ихтиёридаги корхоналар бу фонднинг 700-ҳисоб рақамига 325 минг сўм пул ўтказди. Концернинг биргина машинасозлик комплекси корхоналари «Роҳат», «Ўрикзор» маҳаллаларига хайрия ёрдамлари кўрсатиб турибди. Жумладан, «Ўрикзор» маҳалласида клуб қурилишига катта маблағ ажратилди. Маҳаллалардан бирида барпо этилаётган ма чит қурилишига эса 1 миллион 170 минг сўм маблағ ажратилди.

Эндиликда хайрия тадбирларини янада кенгайтириш режалари тузиляпти. Шу мақсадда маҳалла фаолларини бу ишга жалб этиб, ҳамкорликда маҳаллалар ижтимоий аҳволини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиш кўзда тутилмоқда.

Т. СОБИРОВ,
Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги («Узмашхлопкоткань») концерни раисининг биринчи муовини.

ЭСКИ ШАҲАРГА ГАЗ КЕЛДИ

Маълумки, Тошкентнинг Эски шаҳар қисми йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келди.

Яқин йиллардан бошлаб аҳвол бутунлай ўзгарди. Республика ҳукумати Президент ташаббуси билан маҳаллаларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш тадбирларини белгилади. Тошкент шаҳар ҳокимияти олимлар, мутахассислар ва маҳаллалар фаоллари билан келишган ҳолда «Маҳалла дастури»ни ишлаб чиқди.

Кейинги вақтда эса дастур асосида маҳаллаларда қизғин иш бошлаб юборилди. Жумладан, Эски шаҳарнинг Сағбон, Форобий, Қорасарой, Олмазор «Ўқчи», «Хизматчи» сингари маҳаллаларини газлаштиришга киришилди. Аввал қарийб 50 километр масофага газ қувурлари ётқизилди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 58 километрга етказилди. Шу тариқа юзлаб хонадонларга табиий газ уланди.

Эски шаҳарни газлаштиришнинг ўзи бўлмаяпти, — бозор иқтисодиётига ўтилиши ва истеъмол буюмлари нархларининг кўтарилиши туфайли бу хайрли тадбирни уддалаш қийин кечмоқда. Қурувчиларимизга маблағ, қолаверса зарур материаллар етишмаяпти. Бунинг устига хом-ашё нархи ошиб кетди. Биргина мисол. Илгари бир тонна қувурни 800 сўмга олган бўлсак, ҳозир 22—25 минг сўмга харид қилишга мажбур бўляпмиз.

Шунга қарамасдан, газ тармоғи ходимлари қурилиш монтаж ишларини тўхтатиб қўйишгани йўқ. Мана, ўтган 9 ой давомида 38 километр масофага газ қувурлари ётқизилди. Эндиликда пойтахтнинг Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур районлари ҳудудидаги маҳаллаларда яна ўн километр масофада газ қувурларини ўтказиш ишлари давом этмоқда. Очиғи, йил бошида шаҳар бюджетидан шу мақсадлар учун 5 миллион 130 минг сўм маблағ ажратилганди. Бироқ ушбу маблағ 30 километрли масофада газ қувурини ётқизишга етди, холос.

Хўш, маблағ етмаса нима қилиш керак. Қурувчилар ёрдам сўраб, ҳудудида газлаштириш ишлари кетаётган районлар раҳбарларига бевосита мурожаат қилишди. Район ҳокимиятлари ҳам муаммонинг ўткирлигини ҳисобга олиб, масалани ижобий ҳал этди. Дейлик, Собир Раҳимов райони маҳаллаларни газлаштириш учун қўшимча равишда 2,5 миллион сўм, Шайхонтоҳур райони эса 500 минг сўм маблағ ўтказадиган бўлди.

Яқинда ҳукумат қарори билан Тошкент шаҳрига Бектемир райони ҳам қўшиб берилди. Мазкур район ҳудудидаги маҳаллаларда қарийб 30 километрлик газ қувурлари ётқизиш талаб этилади. Ҳозир бу ердаги маҳаллаларни газлаштириш лойиҳалари тайёрланяпти. Тез орада иш бошлаб юборилса ажаб эмас.

Т. ШОКИРОВ,
Тошкент шаҳар газ билан таъминлаш ва газлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Заврли ташвишга нима етсин! Ҳалим қилинганда тун бўйи ўчоққа олов ёқиш, тўйда елиб-югуриб хизмат қилиш... Маҳалла юмушларидан, ҳашарлардан ким ўзини четга олибди, дейсиз. Маҳалла ободончилиги, бу ерда истиқомат қилувчиларнинг осойишталиги, қувончини таъминлаш, ўз моҳиятига кўра, кўпчилик иши, таъбир жоиз бўлса, маҳалла юмушлари бир қанча мураккаб, майда-чуйда бўлса-да завқли юмушлар, завқли ташвишлар.

Бу ишлар киши кўнглини кўтаради, қўни-қўшнига, маҳалладошларга фойдали тегади. Энг муҳими эса, ҳар бир киши, жамоанинг оз-оз ёрдами, мадади элга хизмат қилади. Шунинг ўзиёқ завқли.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз муштарий! Ёдингизда бўлса, август ойида «Ўзбекистон овози» газетаси муҳарририяти Тошкент шаҳар маҳаллалари Низоми лойиҳасини тушунтириш тадбирини ўтказишга бош бўлиб, пойтахт шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштирувчи доимий комиссия раҳбарларининг республика вилоятлари бўйлаб маърифий юришини уюштирганди. Табиийки, маърифий юриш кутилган натижани берганди.

Газета таҳририяти энди ўша маърифий юришни давом эттиришга қарор қилди. Республика вилоятларидаги маҳалла қўмиталари фаолияти, маҳаллага жон қуйдираётган корхона, хўжалик, ташкилотлар кўраётган тадбирларнинг натижалари ҳақида мунтазам материаллар бериб бориладиган бўлди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Куни кеча «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг юк самолётида ана шу инсонпарварлик ёрдамининг дастлабки қисми Тожикистонга етказилди. Юқорида келтирилган ном-лардаги 40 тоннага яқин юкни «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари А. Жалолов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг катта эксперти Ш. Бойматов, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Марказий қўмитаси раисининг ўринбосари А. Ғуломов ва бошқалар кузатиб бордилар.

Самолёт Душанбе аэропортига келиб қўнгач, ўша лаҳзадаёқ файзсизликни, саросима ва уруш нафасини туйишга тўғри келди. Аэропорт самолётларни деярли қабул қилмай қўйган, ёқилғи йўқлиги сабабли хизматчилар меҳнат таътилига чиқариб юборилган экан. Чор атрофда ҳарбий вертолётлар, БТРлар, қуролланган кишилар. Олдиндан келишиб олинганига қарамай, қарийб икки соат юкни қабул қилиб олувчиларни кутиб қолишди.

Аэропортда Ўзбекистон вакиллари ҳузурига Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари А. Саидов, Олий Кенгаш аграр сиёсат комитети раиси, инсонпарварлик ёрдамларини қабул қилиб олиш комиссияси раҳбари Ҳ. Насриддинов, Тожикистондаги ўзбек жамиятининг раиси Қ. Сатторов ва бошқалар етиб келишди.

Юз берган вазият учун узр сўрар экан, Ҳ. Насриддинов буларнинг ҳаммаси мамлакатда юз бераётган воқеалар оқибати эканини айтди. «Биз мушкул кунларимизда ўзбек биродарларимизнинг мададини доимо ҳис қилиб келганмиз, деди у инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олар экан. Бугал ҳам шундай бўлди. Бу самимий ёрдам учун тожик халқи номидан бутун Ўзбекистон аҳлига, республика Президенти Ислом Каримовга миннатдорчилик изҳор этаман. Ишонамизки, бизнинг оғир кунларимиз дўстлар кўмагида ўтиб кетади, биз борди-келди, ёр-биродарлигимизни давом эттирамиз. Қалбингиз амри билан келтирган бу ёрдам энг муҳтож кишиларга етказилади, деб сизни ишонтираман».

Инсонпарварлик ёрдами тариқасида жўнатиладиган навбатдаги юкларни бевосита Кўлоб ва Кўрғонтепа вилоятларига етказиш мўлжалланмоқда.

Амирқул КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.
Тошкент — Душанбе — Тошкент.

• ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАСИ

ДУНЁ БИЗНИ КЎПРОҚ ТАНИСА...

Очиғи, Шароф Рашидов фонди ташкил этилганини эшитиб ҳурсанд бўлдим. Бир йилдан бери ана шу таклиф билан бормаган, ёзмаган идорам қолмади. Чунки бу ҳаракат Рашидов олдидаги гуноҳимизни бироз бўлса-да, енгиллаштиради.

Тўғри, биринчи вазифа фондни бойитиш, унинг жумҳуриятдаги обрўсини тиклаш. Аммо мен ушбу фонднинг халқаро нуфузи ҳақида ҳам ўйлаш керак, деб ҳисоблайман. Қани энди келгусида Нобель, Неру мукофотлари қаторида Шароф аканинг табаррук номлари ҳам тилга олинса. Эҳтимол, дастлабки пайтларда бу мукофотни жумҳуриятимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган чет эллик ишбилармонларга берармиз?

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида миллий безатилган биттадан меҳмонхона ана шу фонд ихтиёрига берилса ва улардан тушган даромад жамғармага ўтса.

Кейинчалик миллий хайрия лотереяси ташкил этиш мумкин.

Яна бир таклифим: Ш. Рашидов мукофотлари ҳар йили бир марта Тошкентдаги Мустақиллик майдонида ёки Самарқанднинг Регистонида барчанинг кўз ўнгида, Шароф аканинг қариндошлари, фарзандлари, сафдошлари иштирокида топширилса.

Савобнинг катта-кичиги бўлмайди. Фондни бойитишга халқнинг ўзи ҳам ҳисса қўшгани маъқул.

Юнус АШУРОВ,
Самарқанд шаҳри.

• *Мухбир муаммо қўяди*

ҒАЛЛА МЎЛ БЎЛДИ-Ю...

● Бу йил Фарғонада ғалла мўл бўлди. Вилоятда 24 минг гектардан ортиқ майдонга дон экилган эди. Ғаллакорларга баҳорги ёғинлар жуда қўл келди. Табиатнинг тантилиги ҳам ўз йўлига. Аммо деҳқон маҳорати, пешона тери туфайли хўжаликларда мисли кўрилмаган даражада ҳосил етиштирилди.

Боғдод районидаги «Пахтакор» ва «Ғалаба» жамоа хўжаликларида ҳар гектар ердан 46—56 центнердан дон олинди. Бу вилоятдаги ўртача кўрсаткичдан деярли икки баравар ортиқдир. Айрим хўжаликлар, ижарачи звеноларда эса бундан ҳам кўп ҳосил етиштирилди. Шу райондаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг аъзоси О. Қосимов 20 гектар ерни ижарага олиб, кузги буғдой сочган эди. Буғдойни ўз вақтида суғориб, ўғитлаб, турли зараркунанда, ҳашаротлардан муҳофаза этиб турилса, Фарғона водийси шароитида қандай катта ютуқларга эришиш мумкинлиги шу ижарачи звено мисолида кўринди. Звенода ҳар гектар ердан 70 центнердан ошириб ғалла олинди. Фарғона районидаги Ҳ. Ҳакимзода номли жамоа хўжалиги ижарачиси Т. Шамшиев ҳам мўл ғалла етиштирди. Бундай ижарачи звенолар юзлаб топилади.

Вилоят хўжаликлари давлатга 24 минг тоннадан ортиқ дон топшириб берилди. Аммо 1992 йил дон ҳосилининг катта қисми хўжаликларнинг ўзида қолди. Бу албатта Президентимиз И. Каримовнинг аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан чиқарган фармонини бажариш йўлидаги хайрли тадбирдир. Бироқ шунча миқдордаги донни асраш муаммоси ҳам мавжуд. Айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ҳозирнинг ўзида давлатга кўзи маккажўхори дони ўрнига бошоқли дон сотишга рухсат сўраб, юқори ташкилотларга мурожаат қилмоқдалар. Кўпгина хўжаликлар аъзоларига дон тарқатмоқдалар. Масаланинг яна бир томони бор. Бу йил аҳолининг шахсий томорқаларида ҳам ғалла кўп экилган эди. Бундан ташқари бошоқли дон экинлари, маккажўхори, оқжўхори ҳам кўп экилди. Аммо етиштирилган донни янчиб, саранжомлаб олиш ҳам осон иш эмас экан. Деҳқонлар томорқаларида етиштирган буғдой, маккажўхори, оқжўхори донини янчиб олишга қийналишяпти.

— Қишлоғимиз аҳолиси ёппасига ўз томорқасида буғдой етиштиради десам хато бўлмайди, — дейди Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» давлат хўжалигининг Қушқўноқ қишлоғида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Т. Саидқулов,— Мўл ҳосил етиштирилди. Аммо уни янчиб донга айлантиришда озмунча машаққат чекмадик. Чунки, тайёр донни янчиш учун шахсий томорқа эгаларида комбайн ва бошқа механизмлар йўқ. Давлат хўжалиги мутасаддилари эса комбайнни ишлатиш учун ёнилғи йўқ дейишади. Натижада буғдой боғламлари йўл ёқалари, хирмонларда ётибди. Ҳатто одамлар автомобиль йўлларига буғдойни ёйиб қўйиб, ўтган-кетган машиналар ғилдираги остида буғдой янчдилар. Анча-мунча дон ҳам исроф бўлиб кетди.

Вилоятда кейинги йилларда кўплаб тегирмонлар қайта тикланди. Янгилари қурилди. Аммо улар аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондира олармикин?

— Бизнинг Данғара районида, — дейди вилоятнинг таниқли журналистларидан бири М. Маматқулов, — ўнга яқин тегирмон ишлаб турибди. Аммо районда минглаб хонадонлар ўз шахсий томорқаларига дон экишган. Агар оддий тегирмонда кунига 1 тоннадан ошиқроқ донни ун қилиш мумкинлигини ҳисобга олсак, район учун бу кам.

Масаланинг яна бир томони бор. Тегирмонда тортилган маҳаллий буғдой уни ачқимтил бўлиб қолади. Чунки донни ювиш, тозалаш турли бегона ўт уруғларидан тозалашни замонавий дон маҳсулотлари комбинатигина амалга оширади. Хўш, бу муаммони ҳал этиш йўли борми? Яқинда газетамиз қабулхонасига Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси К. Пўлатов кириб келди.

— Мен бир масалада келдим. Шуни газетангизга олиб чиқсангиз. Ҳозир энг кўп ўқиладиган газета ҳам шу, — дейди тажрибали деҳқон. — Ўзим 25 йилдан буён далада ишлайман. Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришда қатнашганман. Ҳозир ҳам ўша , жойларда пахта етиштираман. Илгари томорқага резавор экиб юрардим. Ўтган йил кузда буғдой сочдим. Ҳозир уйимда бир тоннадан ошиқ буғдой бор. Қўшним Е. Норалиевда ҳам шунча буғдой бор. Биласиз, буғдойни узоқ сақлашнинг ўз қийинчиликлари бор. Унга мита тушиб, айниб қолиши мумкин. Тегирмонга олиб бориб тортайлик десак, шунча миқдордаги буғдойни ювиш, қуритиш, тозалашнинг ўзи бўлмайди. Тегирмонга ташиб олгани транспорт йўқ. Пахта терими қизиб кетган шу кунларда бунга вақт ҳам топилмайди. Менда бир таклиф бор. Вилоятимизнинг. Фарғона, Қува шаҳарлари, Боғдод районидаги йирик дон маҳсулотлари комбинати деҳқонларнинг шахсий томорқаларида етиштирилган донни тайёр унга алмаштирмасмикин? Масалан, мен ўзимдаги 1 тонна буғдойнинг 300 килограммини комбинатга тегирмон ҳақи сифатида беришим мумкин. Балким қишлоқларда дон қабул қилиш пункти очилар. Бу ҳозирги шароитда жуда муҳимку.

Дарҳақиқат, оддий деҳқон жуда муҳим масалани кўтарган эди. Вилоятдаги шахсий томорқаларда етиштирилган минглаб тонна донни ҳозиргача кам бўлган оддий тегирмонларга ишониб, бой бериб қўймасмикин? Чунки ўтган йили деҳқонлар томорқаларида етиштирилган дон айрим жойларда омухта емга айланган, Баъзан эса зараркунандалар тушиб, нобуд бўлгани ҳам сир эмас. Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг ўринбосари А. Исроилов К. Пўлатовнинг қуйинишида жон борлигини тасдиқлади.

— Районлардаги шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмалари шу хайрли ишни ўз зиммаларига олишса ёмон бўлмасди, — дейди у. — Улар қишлоқ хонадонларидаги мавжуд дон заҳираларини аниқлаш, дон маҳсулотлари комбинати билан шартнома тузиб, аҳоли қўлидаги донни унга айлантиришда воситачи бўлиши мумкин.

Албатта, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмалари вакиллари, давлат ва жамоат хўжалиги раҳбарлари ҳокимларнинг ёрдамисиз бу мураккаб муаммони ҳал этишлари қийин. Чунки, транспорт, ёнилғи ташиш масаласи жуда тиғиз. Аммо юқоридаги мутасадди ташкилотлар ўзаро тил топишиб, бу муаммони ҳал этишнинг энг мақбул усулларини топсалар ўн минглаб деҳқонларнинг оғирини енгил, энг муҳими ун муаммоси оз бўлсада ҳал бўларди. Деҳқонлар қўлидаги минглаб тонна донни унга айлантириш бизнингча, қичик муаммо эмас. У вилоят раҳбарлари эътиборини тортишга арзигулик муаммо.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мўхбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

● Мабодо, унутган бўлсангиз хафа бўлманг. Ҳали имкониятингиз бор. Вақтни ўтказмай яқин орадаги алоқа бўлимига ёки почтахонага боринг. Ҳозир у ерларда илгаригидек одам кўп эмас. Бирпасда ҳужжатларни расмийлаштириб беришади. Агар 1993 йил учун обуна бўлсангиз, афсусланмайсиз. Чунки:

— республикада, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги ва бошқа хорижий давлатлардаги энг қизиқарли ҳамда ҳаяжонли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарларни;

— мамлакат раҳбарлари, йирик олимлар, адиблар, жамоат арбобларининг долзарб мавзудаги чиқишларини;

— ўткир фельетонларни, «Ажаб савдолар»ни, «Бўлди қизиқ ҳангомалар»ни, танқидий руҳдаги рейдларни, теша тегмаган луқмаларни;

— республикамизнинг етакчи партияси бўлмиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси олиб бораётган ишлар тўғрисидаги тўла маълумотларни;

— энг яхши меҳнат жамоаларининг кишиларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тажрибаларини

ФАҚАТ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»дагина ўқий оласиз! Айни пайтда истаган саволингизга жавоб топасиз, редакцияга қиладиган биронта мурожаатингиз эътиборсиз қолмайди.

● Газетанинг бир сони — обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

● Унинг бир йиллик нархи — 384 сўм, олти ойга — 192 сўм, уч ойга эса — 96 сўм.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 19. X

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ғойиб бўлди осмонда қушлар», «Уч қурбақа». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
19.55 «Олтин бешик». «Узкинохроника» премьераси.
20.05 «Санъат оламн». Халқ амалий санъати ҳақида.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Наби Ғаниев. Ижод завқи ва машаққати». Кинокўрсатув.
22.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Сурхон тонги». Телефильм.
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Миришкорлар».
21.10 «Лаҳза». Хабарлар.
21.20 «Турнахон». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан душанба, 19 октябрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 15.00 дан, «Дубль IV» кўрсатувлари соат 16.30 дан бошлаб кўрсатилади.

● «ОРБИТА IV»

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «П. И. Чайковский номли ўсмирлар I халқаро танлови». Телевизион мусиқий фильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Сеҳрланган сўз». Мультфильм.
18.35 Футбол шарҳи.
19.05 «Иқболи кулганда».
19.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. «Очиқ ҳаводаги суҳбат». Ю. Левитанский.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телефильм премьераси. 4-серия.
«Янги студия» таништиради;
22.10 «Бомонд».
22.25 «Қарангчи, ким кетди!».
22.45 «Қинғир-қийшиқ эфир».
22.55 «Федерико каталоги».
23.10 «Ошкоралик хонаси».
23.20 «Бироқ».
23.30 «ТВ-галерея».
23.50 «Евгеник ва...»
23.55 «Бнз...»
00.35 «Оба-На». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.30 Янгиликлар.
16.45 Мульти-пульти. «Ҳовлимизда», «Алвон ранглар».
17.00 Трансросэфир.
17.45 «Жаноблар-ўртоқлар».
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 Манзарали фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
19.00 «Омад».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.20 Душанба куни детектив. «Мен сизга уруш эълон қиламан». Бадиий фильм.
21.45 Криминал хабарлар экрани.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Бумеранг-3».
22.55 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
23.25 «Киношок».

Сешанба, 20. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 Футбол. Ўйинчоқлардан дараклар.
7.35 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм.
8.05 «Нуқта, нуқта, вергул». Бадиий фильм.
9.25 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
10.10 «Сато». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Бейсик программалаш тили.
11.00 «Ўйғур оиласи». Фильм-концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. «Халқ эртаклари — тасвирий санъат».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Муми-Тролль ва комета». Мультфильм. 1-фильм.
18.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Тижорат хабарлари.
19.25 «Спортлото».
19.30 «Хотира». Қодир бахши Раҳим ўғли.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари. «Маҳалла—ҳаёт мактаби».
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!» Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Меҳрибонгинам». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Ўзбекистон бастакорлари».
19.30 «Билим сарчашмалари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 20.20, 00.50— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Жониворлар цирки».
10.50 «Ох ва Ах». Мультфильм.
11.00 Футбол шарҳи.
11.30 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телефильм премьераси. 4-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Тонг». Телевизион бадиий фильм.
14.10 «Фариштанинг бўсаси». Фильм-балет.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Уолт Дисней таништиради...».
16.30 «440 герц». Ўсмирлар учун мусиқий кўрсатув.
17.10 «Ёнғоқ». Телефильм.
17.20 «Технодром». Оригинал ғоялар ҳамда фойдали майда-чуйда нарсалар ҳақида.
17.30 «Банкчининг ёзишмаларидан».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Оддий ўлим...». Бадиий фильм («Ленфильм»).
22.25 «Қора қути».
22.55 «ТВ. Ёдномалар».
23.25 Катталар учун мультфильм.
23.35 В. Готовцева куйлайди.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Овозли йўлка». ТВ-ривоят.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Мушук жониворлар».
9.05 Вариацияли мавзу.
9.35 Мульти-пульти. «Типратикан ва қизча».
9.45 «Киношок».
10.45 «Гап-гаштакларни кўмсаб».
11.05 Кундузги сеанс. «Биринчи учрашув — сўнгги учрашув». Бадиий фильм.
12.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.10 Россия Конституцион суди залидан.
* * *
15.55 «Телебиржа».
16.25 «Рост» студияси. «Масхарабоз-шоу» (Бефойда маслаҳатлар).
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Москвагача олис».
17.55 Эълонлар.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 «Амалий санъат». Ҳужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Серташвиш онла».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 «Қушиқлар китоби».
21.05 «Хазонрезгилик».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 Ҳужжатли фильм.
22.45 «Хонанда».
23.30 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 21. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 Ҳаёт Одилов куйлайди.
7.45 «Сеҳрли тўн». Бадиий фильм.
9.00 «Ватанинг—онанг». Публицистик кўрсатув.
9.40 Турк тили.
10.10 «Ўлмас мерос». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Сульфат кислотаси ишлаб чиқариш.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Муми-Тролль ва комета». 2-фильм, «Уч ака-ука ва аждаҳо». Мультфильмлар.
18.40 Болалар учун. «Она шаҳрим».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Аёл ҳақида сўз».
19.50 Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Тил байрами». Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганлигининг 3 йиллигига.
22.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.50 «Меҳрибонгинам». Бадиий фильм. 2-серия.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Йирик плакда». «Узбектелефильм» студияси фильмлари ҳақида.
20.25 «Халқ рассоми». Чингиз Аҳмаров таваллудининг 80 йиллигига.
21.10 «Суперспорт».
21.55 «02» тўлқинида.
22.15 «Қизиқарли учрашувлар».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 23.55— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.55 «Оддий ўлим...». Бадиий фильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Терак неча йил яшайди!». Телевизион бадиий фильм.
13.20 Бадиий фильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Рок-сабоқ».
17.50 «Тоғларда куз». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Сиёсат» студияси кўрсатади.
18.55 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
19.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 Большой театр балет артистларининг концерти.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Бир сўзни деб...». Мусиқий кўрсатув.
21.55 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. МАСК—«Барселона» (Испания). 1 ва 2-таймлар. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
24.00 Янгиликлар.
00.35 «Денгиз альбоми».
01.00 Футбол. Европа кубоклари.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Сиёсат оламида.
9.50 Варнацияли мавзу. «Денгиз доим мавжланиб турган жойда».
10.30 «Дўстлар уйи». Мусаввир Е. Орлов.
10.50 «Параллеллар».
11.10 «Асил ҳолича...».
12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 88-серия.
12.55 «Палех—ўтмишда, ҳозирги замонда, келажакда».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.
* * *
15.55 «Сигнал».
16.10 «Укинч сари қадам».
16.40 Мульти-пульти. «Қовоқ йиғиш кунида».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.55 Эълонлар.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 «Мемнуне миллиардер».
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
18.50 «Қора денгиз». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Концерт.
20.40 Ҳужжатли фильм.
21.10 Видеофильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Умид таксиси». Видеофильм.
22.50 «Мусиқа оқшоми».
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.05 «Арт-обстрел».
00.05 «Фарс-мажор».

Пайшанба, 22. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 Футбол. Ўйинчоқлардан дараклар.
7.35 «Ҳар кимдан гумонсираб-чи одам». Бадиий фильм.
9.00 Араб тили.
9.30 Болалар учун. «Олтин куз қушиқлари».
10.15 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. XVI—XVIII асрларда Ўрта Осиёнинг маданий ҳаёти.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Потя ва Потиха». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Муҳаббат риштаси».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Эл фарзанди». Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
19.50 Мумтоз куйлардан концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Фармон ва ижро».
21.30 «Сиз кутган дақиқалар». Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева.
22.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Ўзбекистон бастакорлари».
19.30 «Билим сарчашмалари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 20.20, 00.50— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 Футбол. Европа кубоклари.
11.45 «Худди мушук билан кучукдек». Мультфильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Серафима Глюкининнинг оддий кунлари ва байрамлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.30 «Ҳар кимники ўзига». Телевизион бадиий фильм (Италия).
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Кремлин» камер оркестрининг концерти (АҚШ).
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
19.10 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. «Осиё овози». Куй ва қўшиқлар III халқаро танлови. Олмаотадан кўрсатилади.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Карамболина —Карамболетта». И. Кальман оперетталари мотивлари асосида телевизион мусиқий фильм.
22.25 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/8 финал. «Спартак» (Москва) — «Ливерпуль» (Англия). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
00.15 Янгиликлар.
00.55 Фақат катталар учун. «108 С». Журналистик текширув.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Чакана одам эмас».
9.15 «Ҳали англанмаган конот».
10.00 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.15 Театр сафари. «Ақллилик балоси». Чехов номли Москва давлат академик театри премьераси.
11.15 Репортёр. «Қиролга мактуб».
11.30 «К-2» таништиради: «Абзац».
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 89-серия.
12.50 «Космополис». 5-сони.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 Россия Конституцион суди залидан.
* * *
15.55 «Бардош билан...».
16.25 «Чегарасиз эфир».
16.35 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Хусусийлаштириш панорамаси».
17.55 Эълонлар.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 Ешлар.
18.30 Хабарлар.
18.45 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 «Қўшиқлар китоби».
21.05 «Катта опа» Видеофильм.
21.55 Манзарали фильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 Спорт.
23.10 «Мангу гумбаз остида».

Жума, 23. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 «Аёл қалби». Кинопрограмма.
8.05 «Эртаклар тарк этган дарё». Бадиий фильм.
9.25 Инглиз тили.
9.55 «Санъат усталари». Раҳим Исахўжаев.
10.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишонам».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Комвриль». Мультфильм.
18.30 Шонрлар—болаларга.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Заргар». Телефильм.
19.30 «Фурқат лирикаси». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси —умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Фидойилик». Бадиий фильм.
00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Пере-ботир ҳақида ривоят». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.40 «Ата журт». Телеканал.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата-журт» (давоми).
20.55 «Назар» (билдирувлар ва эълонлар).
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Айил кечтери».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/8 финал. «Спартак» (Москва) — «Ливерпуль» (Англия). 2-тайм.
10.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
10.45 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.35 «Бор эканда, йўқ экан, асалари бўлган экан», «Учар юмронқозиқ». Мультфильмлар.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Серафима Глюкининнинг оддий кунлари ва байрамлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.35 «Визбор чўққиси». Телевизион бадиий фильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бриджж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 А. Бараховский чалади (скрипка).
17.10 «Марказ».
17.50 «Технодром». Оригинал ғоялар ва фойдали майда-чуйда нарсалар ҳақида.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
18.45 «Келгиндилар миссияси». Мультфильм.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Мўъжизалар майдони». Юбилей кўрсатуви.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Президентнинг ўғирланиши». Бадиий фильм. (АҚШ).
23.10 Катталар учун мультфильмлар.
«ВИД» таништиради:
23.30 «Сиёсий бюро».
00.35 «Музобоз».
01.15 «Авто-шоу».
01.30 «Х» кўрсатуви.
02.00 «MTV». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ишчан давра.
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сурватга олаяпман».
10.05 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар.
10.35 «Импровизация». Юрий Касьяник театри.
10.55 «Ҳайвонот оламида».
11.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 90-серия.
12.45 Оркестрдан туриб қараганда. «Дирижёр А. Меликпашаев».
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 Россия Конституцион суди залидан.
* * *
16.00 Телебиржа.
16.30 «Рост» студияси. «Хитқундалик».
17.00 Янгиликлар.
17.15 «Мегаполис».
17.45 «М-трест».
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 «Осиё тароналари».
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Ўрта Осиё». Ҳужжатли фильм.
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.10 Жума кунлари Уолт Дисней. «Биг Фут». Бадиий фильм. 2-серия.
20.00 Мульти-пульти. «Хўтикча».
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 «Икки хонанда».
21.45 Видеофильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.

Шанба, 24. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Эҳ, ковбойлар!» Бадиий фильм.
9.05 «Ўзбекистон спорти».
9.35 «Экология». Телевизион альманах.
10.15 Ҳамид Ғулом. Шоҳида Шоҳмардонова. «Муҳаббат навоси». Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқий драма театрининг спектакли.
11.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга—минг танга».
13.40 «Нурли келажак сари». «Узбектелефильм» премьераси.
14.10«Алифбо сабоқлари».
14.40 Ялпа ва лапарлар. Ш. Парпиева, И. Жониева.
15.10 Тижорат канали. «Қаторда норинг бўлса...» Навойи вилоятидаги 34-юк ташиш автокорхонаси иш тажрибасидан.
15.40 «Замандас» (қозоқ тилида).
* * *
18.00 «Баджахл Бамбр». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Чемпион». «Узкинохроника» премьераси.
19.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Туркистон» ахборотн.
21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ойдин кечалар».
22.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.40, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф».
9.55 «Саҳанинг орқа томонидан. Табассум билан».
10.25 «Тиббиёт сиз учун».
11.05 «Авиакосмик салон».
11.20 «Илҳом манбалари». Мусиқий кўрсатув.
11.50 «Марказий экспресс». Марказий ва Шарқий Европа ҳақида телевизион журнал.
12.50 «Палитра». Коллекционерлар.
13.20 «Дело».
13.30 «Нур ва соялар». Қисқа метражли телевизион фильм премьераси («Экран»).
13.50 «Дўстим Мартин». Мультфильм.
14.00 «Николай Казаковнинг ушалмаган орзуси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Франция). 1-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Ҳайвонот оламида».
16.10 «Виртуози Москва» камер оркестри чалади.
16.35 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм.
17.00 «Қизил квадрат».
17.40 «Аленкининг жўжаси». Мультфильм.
17.50 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Ҳибсхона». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
19.00 Хоккей. Лига кубоги. «Спартак»—«Динамо» (Москва). Танаффус пайтларида (19.35)—Хайрли тун, кичкинтойлар! (20.20) — Янгиликлар.
21.25 «КВН-92». Биринчи ярим финал учрашуви. «Америка кашф этилганлигининг 500 йиллиги».
23.25 Катталар учун мультфильмлар.
24.00 Янгиликлар.
00.35 Тунги канал.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ҳужжатли панорама.
9.15 Мульти-пульти. «Сув».
9.25 «03» кўрсатуви.
9.55—13.55
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Интерспорт».
«Безнен мирас» (татар тилида).
«Ҳамдўстлик» кўрсатуви.
«Вернисаж».
«Чисел» (корейс тилида).
«Мерос».
«Фан уфқлари».
13.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.15 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. «Лондон бўйлаб сайиллар».
15.00 «Бурда моден» таклиф этади».
15.30 «Ҳали англанмаган конот».
16.00 Мульти-пульти. «Ҳовлимизда». «Алвон ранглар».
16.20 «Омад кулиб боққанда».
17.20 «Жентльмен-шоу».
17.50 Спорт кўрсатуви.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 Туркия манзаралари.
18.30 Хабарлар.
18.45 «Хонанда».
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Тоғ сўқмоқларида».
20.45 Туркия манзаралари.
21.00 Ҳафта шарҳи.
21.15 «Биз ўзимизга ўхшаймиз».
21.45 Мавзу.
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Мутлақо махфий».
23.20 «Ассорти». Мусиқий дам олиш томошалари.
23.50 «А» программаси.
00.20 «Ад либитум».

Якшанба, 25. X

● ЎзТВ I

7.00 «Юртим жамоли». Кинопрограмма.
8.00 «Туркистон» ахборотн.
8.30 «Бунн биз ўтмаганимиз». Бадиий фильм.
10.10 Ўзбекистон халқ артисти Р. Муродов куйлайди.
11.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
12.00 «Оналар мактаби».
12.35 «Кичкина деманг бизни...». Спорт кўрсатуви.
13.05 Тижорат канали. «Сўғдиёна» шифобахш шарбатлари».
13.25 Ўйғун. «Ибн Сино». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
* * *
18.00 «Бўй ўстирувчи дармон дори», «Сергайрат кампир», «Мушук ва канарейка». Мультфилмлар.
18.30 Болалар учун. «Боғчамиз саҳнасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Қўқонди латиф ёдгорликлари». Телефильм.
19.30 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!» Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Навбаҳор» (Наманган) — «Темирйўлчи» (Қўқон). Самарқанд шаҳридан ёзиб олинган.
22.30 «Петербурглик чиновник». Бадиий фильм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05 — 12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Мезгилбектин мезгили», «Оспурум», «Тиғиз пайт», «Ўзга сайёралик». Бадиий фильм, мультфильм.
* * *
18.05 Кино оқшоми. «Новинки» киноклубида меҳмонда»; «Мультотека», «Кино янгиликлари», «Ҳужжатли фильмлар экрани», янги фильмлар таништирилади.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Тасма».
20.20 «Новинки» киноклубида меҳмонда» (давоми). Фильмни муаллифлар таништиришади, кинокалендарь: «Яқин ўтмишни хотирлаб», «Қадр ортидаги учрашувлар», «Кино ўзи ҳақида ҳикоя қиладн», «С. Чокморов», «Юбилей», «Мусиқий сеанс» киноконцерти, янги фильмлар таништирилади, шунингдек, «Канизак Изаура» кўп серияли телевизион бадиий фильми. 1-серия.

● «ОРБИТА IV»

6.20, 7.50, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Олтин сочмалари», «Катюшалар соҳилга чиқди». Краснодардан кўрсатилади.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 «Этик кийган мушук». Мультфильм.
9.05 «Эрта саҳарлаб».
9.45 «Олам дам олишда».
10.25 «Янгра, гармонь». Иваново шаҳрида фестиваль.
11.25 «Юзлаштириш ёки одамхўр изидан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
12.20 «Қора кўркам от саргузаштлари». Кўп серияли телефильм премьераси. 15-серия.
12.45 «Марафон-15»
13.35 «Мен кашф этган Америка». Шоу-викторина.
14.15 «Нега филлар!» Мультфильм.
14.30 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 2-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 «Вақир-вуқур қурбақа», «Бир томчи», «Ква-ква квартети». Мультфильмлар.
16.35 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Уолт Дисней таништиради...».
18.50 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.05 «Маринискда променад».
20.00 Кино янгиликлари.
20.20 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Подшоҳни ўлдирган киши». Бадиий фильм («Мосфильм» киноконцернининг «Курьер» киностудияси).
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Тонг юлдузи» — тунги эфирда».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Бугун сизлар билан биргаман, лўлиларим». В. Светлов куйлайди.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Телестройсервис».
9.05 «Денгиз плюс рок».
9.50 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 7-серия.
10.05 «Сиз яратган боғ».
10,35 «Қироллиқдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 9-серия.
11.05 «Ати-батн...».
11.35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

● Самарқанд вилоят матлубот жамиятига қарашли Булунғур ишлаб чиқариш комбинати қисқа муддат ичида маҳаллий хом ашёдан маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйди. Бу ерда қоракўл, қуён, тулки ва мушук терисидан бош кийимлар, нимча ва пўстин тикилмоқда.

— Россиядан кейинги пайтда терига ишлов берувчи кимёвий моддаларни ололмаяпмиз. Шу туфайли ота-боболаримиздан қолган эски усуллардан фойдаланаяпмиз, — дейди корхона директори Аҳмаджон Ҳакимов.

Комбинатда йил бошида трикотаж бўлими очилган эди. Яқинда бу ерда иккита гилам тўқиш ускунаси ўрнатилди. Дастлабки патгилам кўргазмага қўйилди. Йил охиригача яна саккизта ана шундай дастгоҳ ўрнатилади. Корхонада бир йилда 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Фармон ТОШЕВ.

АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ҒИЛОФ

● Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси кимёгарлари минерал ўғитлар тайёрлаш билан бир қаторда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳам йил сайин ривожлантириб боришаяпти.

Бунга мисол қилиб бирлашмада ишга туширилган шампунлар, болалар кийим-кечаклари, эшик ва дераза ромлари ясаш цехларини кўрсатиш мумкин. Айниқса, нитрон толасидан тайёрланаётган чойшаблар диққатни тортади. Яқинда бирлашма саноатчилари яна бир замонавий цехни ишга туширишди. Унда сунъий ипдан енгил автомашиналар учун турли хилдаги ғилофлар тикиб чиқарилади. Жорий йилда мазкур цех жамоаси юз миллион сўмликдан зиёд бежирим ғилофлар тайёрлашга эришди.

Бирлашмада бундан ташқари пайпоқ, гилам, жемпер тўқиш цехлари ҳам ишга туширилаяпти. Мақсад — келгусида бирлашмадаги табиатга зарари бўлган цехларни ёпиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган дастгоҳларни янада кўпайтиришдан иборат.

Музаффар ШАРОПОВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ОЙДИН ҲОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА.
● «УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).
● «БОЛА ҒУРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)
● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ: ЎҚИНГ, ЎҚИНГ, МАҒЗИНИ ЧАҚИНГ, МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ, АМАЛДА ФОЙДАЛАНИНГ: «ТИЖОРАТ ВА БИР ОШАМ ҲАЛОЛ ЛУҚМА».
● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.
● НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).

● САНЪАТИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ ●

СУРАТЛАРДА: Икрома Болтаева «Юлий Цезарь» спектаклида Порция, «Маҳаллада дув-дув гап» фильмида Ҳалима хола ролида.

ИКРОМА ОПАНИНГ ИЛҲОМЛАРИ

Бундан уч йил бурун, кунларнинг бирида Ҳамза номидаги Академик театр фойесида актёр Ёқуб Аҳмедовни кутиб ўтирардим. Ичкарида одатдагидек репетиция давом этмоқда. Шу пайт театрнинг олд тарафидан китоб қўлтиқлаган Икрома Болтаева кўринди. «Опа кечикибди, ҳа, қаричиликда», деб қўйдим мендан сал нарироқда оёғини узатиб, чекиб ўтирган эшикбон. Етмиш икки ёшли актриса жамоадошлари сафида ҳамон фаоллик билан ижод қилаётганини билардим. Лекин эшикбоннинг гапини эшитиб, беихтиёр «албатта, таъсири бўлади» дегандай ўйланиб қолдим. Ҳамиша хушкайфият юрадиган Опанинг «йўқ, менинг репетициям эртага, Гулчеҳрага келувдим, унинг тайёрлаётган янги ролига тегишли бир ажойиб манба қўлимга тушиб қолди, шуни бериб кетай», деганини эшитиб, фикримдан қайтдим. Аксинча, «устоз сифатида ҳам меҳрибон, ҳаққон» дедим ичимда фахрланиб...

Ҳа, бугунги Ҳамза номидаги Академик театрнинг моҳир актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Икрома Болтаева халқимиз фахрланса арзийдиган санъаткорлардан бири. Миллий саҳна санъатимиз ривожида унинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Қарийб эллик йилдирки, у Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Ғани Аъзамовлар қаторида Ҳамза театрининг юкини елкалаб, унинг шону-шавкати учун курашиб келяпти.

Вақтнинг ўтишини қаранг. Ўзи ҳам яқиндагина истеъдодли шогирди Гулчеҳра Иброҳимбековадай ловуллаган қиз эди. Ўттиз иккинчи йили Қашқадарё вилоят театрида саҳналаштирилган «Ҳужум» (В. Ян ва Чўлпон асари) спектаклида йигит қиёфасида кўринадиган Турсуной образини шундай мароқли, ўзига ҳос, дилкаш талқин этдики, кўрганлар беихтиёр «келгусида бу қизчадан, албатта, уста санъаткор чиқади» деб юборишди.

Кўп ўтмай, умидли актрисани анча тажрибали Самарқанд театри «илиб кетди». Бу ерда у халқимизга, бадиий маданият мухлисларига китоб саҳифалари орқали маълуму машҳур бўлган Жамила ва Майсара (Ҳамза асарлари асосида)ни саҳнада ҳам кутилганидай акс эттириб, уларни элга янада яқинлаштиришга, суюкли ва қадрдон қилишга муносиб ҳисса қўшди.

Тошкентга, Ҳамза театрига таклиф қилишганида ёш актриса анча ҳаяжонланди. Ахир, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Обид Жалилов, Шоҳида Маъзумова, Сора Эшонтўраева, Замира Ҳидоятова, Зайнаб Садриева каби доврўқли актёр-актрисалар билан бир саҳнада ишлаш, уларга партнёрлик (ҳамнафаслик) қилиш осонми?! Айниқса, Маннон Уйғур ва Етим Бобожоновларга муносиб шогирд бўлиш қийин! Шундай ҳаяжонланиш ва иккиланиш дамларида унга ана шу икки буюк санъаткор меҳрибонларча далда берди, журъат улашиб, эртанги кундаги фаолиятига бўлган ишончини янада кучайтирди.

Икрома Болтаева Ҳамза театрида ўнлаб образлар яратди. Турли муаллифларнинг, турли мавзуда ёзилган бу асарлари Академик театрнинг репертуарини янада чиройли, янада мазмунли қилди. Санъатшунослар эллигинчи-етмишинчи йиллардаги Ҳамза театри изланишлари ҳақида ёзганларида, актриса Икрома Болтаева тўғрисида тўхталиб, у ўзининг бутун ҳажвкорлик истеъдодини, талантини ишга солиб, ўзбекона, ғайратли, журъатли, шўх, ҳазилкаш, ишчан ва мағрур замондошлар қиёфасини ўзига хос ғавдалантираётганини бир овоздан таъкидладилар.

Актриса ижодида Абдулла Қаҳҳор асарлари алоҳида ўрин тутади. Санъаткор ёзувчининг театрда саҳналаштирилган барча асарларида асосий ролларни ижро этди. Бу ўринда унинг Ҳафиза, Салтанат, Нетайхон, Шакар бувиларини қайд қилиб ўтмаса бўлмайди. Мутахассислар ўткир ҳажв ва юмор артист ижодининг асосий йўналишини белгилайди, деганларида кўпинча худди шу дилбар образларни назарда тутишади.

Санъаткор саҳнада ижрочилик кўрсатиш баробарида жамоат ишларида фаол қатнашишга, ёш актрисаларга устозлик қилишга ҳам улгуради. Сўнгги йилларда театр жамоасига қўшилган Гулчеҳра Иброҳимбекова, Сайёра Юнусова, Зуҳра Ашурова, Мадина Мухторова каби кўплаб иқтидорли ёшлар Икрома опанинг ижрочилик тажрибаларига таяниб, анъана ва услубларини ўзлаштириб, ўзларини у кишига муносиб шогирд сифатида кўрсатишга интилмоқдалар.

Қутлуғ етмиш беш ёшини қаршилаган фидоий санъаткор ва меҳрибон инсон —Ўзбекистон халқ артисти, республика Давлат мукофоти лауреати Икрома Болтаева 15—20 йил аввалгидек чаққон, фаол, театр, жамоа ташвиши деб яшайди, ижод қилади. Ҳануз унинг роллари мароқли ва завқли. Халқимиз эса у, улашадиган илҳомни ҳамиша интиқ бўлиб кутади.

Юсуф БЕРДИЕВ,

● ҚАДРИЯТ

Хива шаҳрининг шимолий-шарқида мўъжазгина мадраса бор. Бу даргоҳнинг муқаддас хилхоналаридан бирида Яссавийнинг хоразмлик шогирди — ҳижрий 761 йилда қазо қилган Аҳмад Саид ота ибн Яҳёнинг катта фарзанди Саид Моҳи Рўйижаҳон мақбараси бунёд этилган.



ФЕРУЗ ДАРГОҲИГА ЙЎЛ ОЧИҚ

Хоразмга ўз сулоласи ичида энг кўп— 47 йил хонлик қилган Муҳаммад Раҳим Соний — Ферузнинг ота-боболари ҳам Аҳмад Саид ота ибн Яҳё авлодидан бўлиб, табаррук бу қадамжонинг шарқона услубда қурилган қўркам гумбазли хилхонасида қарийб йигирма йил ҳукм юритган падари бузруквори Саид Муҳаммадхон, волидан муҳтарамаларию ўзининг пок хоналари, обидага туташ хоналарда эса нуфузли қариндош-уруғлари дафн этилган.

«Саид Моҳи Рўйижаҳон» деб аталган бу мадрасада ўз замонининг баркамол олиму уламолари, фозиллари мударрислик қилишган, айвон ичидаги ҳужраларда толиблар яшаб, илм таҳсил олишган.

Одил хон, етук шоир, санъат ва адабиёт хомийси, Муҳаммад Раҳим Соний — Ферузни 70 йилдан кўпроқ вақт давомида ёмонотлиқ қилиб келдик. Ҳолбуки, Феруз маърифатпарвар хон бўлиб, ота-онадиёрда неча ўнлаб мадрасалар, тарихий бинолар, обидалар бунёд қилдирган, каналлар ва тўғонлар қурдирган. Сон-саноқсиз нодир асарларни ўзбек туркийсига таржима қилдирган. Ўрта Осиёда биринчи литография — китоб босиш корхонасига асос солган, Хоразм мақомларини жамлатган, ўзи ҳам ўнлаб дилрабо мусиқалар басталаган серқирра ижодкор эди. 1873 йилда Чор Россияси хонликни босиб олганидаёқ қанчадан-қанча ноёб бойликлар билан бирга Ферузнинг 300 нусхадан ортиқ китобини ҳам талаб олиб кетган эди. Хуллас, ташиб кетилган моддий-маънавий бойликларимизнинг сон-саноғи йўқ.

Биз кейинги етмиш йил ичида Хоразмдаги барча қадамжолар каби Феруз мақбараси жойлашган илм ва хотира маскани ҳам ҳувиллаб турди, зиёрат эшиклари беркитилди, қабрлар қаровсиз қолди. Қуръон тиловати, толиблар машғулоти, илмий баҳсларга чек қўйилди. Энг ачинарлиси шуки, нодир обида заҳарли дориворлар сақланадиган омборхонага айлантирилди. Бўқинчилар йигирманчи йиллардаёқ бу қутлуғ маскандаги қабрларни бузиб, уларнинг ичидан мол-дунё, жавоҳир излашди. Аммо асл ҳолига қайтариб таъмирлашни хаёлларига ҳам келтиришмади.

Тангрига шукроналар бўлсинким, замон янгиланиб қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Эндиликда Феруз номи билан боғлиқ ёдгорликнинг иккинчи умри бошланди, зиёратчилар учун йўл очилди.

Биз мадрасада бўлганимизда вилоятнинг турли ноҳияларидан келган 60 нафарга яқин толиб илм таҳсили билан шуғулланаётганини кўрдик. Саид Маҳмуд ота Фахриддин ўғли эса мадрасага оталиқ қилмоқда. Яқинда у ўз ҳисобидан табаррук даргоҳ ҳужратларининг «зангори олов» билан иситилишига эришди. Айни пайтда мадраса ва унинг атрофи ободонлаштирилиб, озода ва саранжом-саришта сақланаётгани зиёратчиларни қувонтирмоқда.

Саид Маҳмуд отанинг яна бир нияти: Феруз кутубхонасини очишдир. Кутубхонада илк китоблар — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт чоп этган Ферузнинг «Не бўлди ёрим келмади» номли ғазаллар тўплами. «Боқирғоний китоби», Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасулнинг «Феруз: шоҳ ва шоир қисмати», «Фарғона тарихи» ва бошқа номдаги асарлар пайдо бўлди. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам кутубхонага юз номда адабий-бадиий китоб туҳфа этди. Бундай савоб иш кенг жамоатчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланади, деган умиддамиз.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ФИШЕР — СПАССКИЙ—7:4

● МАШҲУР гроссмейстерлар Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасида 20-партия ўйналди.

Мутахассислар учрашув ғолиби 23, узоғи билан 24 партияга борганда аниқланиши керак, деган мулоҳазаларни билдиришган эди. Зеро, ҳар бир ўйин ўзига хос воқеага айланмоқда. Навбатдаги партияда қўли баланд келган Спасский ҳисобни бироз ўзгартиришга имкон топди. Фишернинг ўнинчи ғалабага эришиб, учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиши андак чўзиладиган кўринади. Бугун гроссмейстерлар 21-партияда дона суришлари керак.

АЁЛЛАР ТОШ КЎТАРГАНДА

● ОЛМАОТА шаҳрида оғир атлетика бўйича Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари кубоги учун мусобақалар бўлди.

Тош кўтарувчи аёллар баҳси мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Мусобақада республикамиз вакиллари бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Жумладан, Ирина Маннонова икки курашда 142,5 килограммли натижага эришиб, ғалаба қозонди. Шунингдек, у мутлақ ғолиблик учун баҳсда ҳам муваффақиятга эришди. Яна бир спортчимиз Оксана Пачковская совринли 3-ўринни эгаллади. Эркаклар мусобақасида спортчиларимиздан Э. Абдиев ғалаба қозонган бўлса, В. Янский 2-чи бўлди. 83 килограмм вазнли У. Пошшоҳўжаев ҳам зафар қучди.

● *Табиат ва инсон*

ҚАРҒИШГА УЧРАГАН АЙИҚ

Энг аввало сизларни воқеа рўй берган жой билан таништирай: шимол совуғига кўксини тутган Молгузар ҳамда жанубдан эсувчи ғармселлар йўлини тутувчи Туркистон тизма тоғлари билан ўралган ажиб масканда исми-жисмига монанд Бахмал райони жойлашган. Пахтага об-ҳавоси совуқлик қилади, ҳатто буғдойи ҳам шимолий Қозоғистондагидек август-сентябрь ойларида ўрилади. Аммо чорва учун жаннат. Ҳамиша ям-яшил яйловлари, хонбалиққа тўла, кўпириб оқадиган сойи, чашма булоқлари. Бирининг номи «Музбулоқ» бўлса, иккинчиси «Сутли булоқ». Тоғларида какликдан тортиб, айиғу кийик архару тўнғиз, жайра-ю силовсинлар бор. Хуллас, жумҳуриятимизнинг Швейцарияси десак бўлади.

Воқеа бўлиб ўтган қишлоқнинг номи Тангатопди. Бу ернинг қўй-эчкилари йирик ва семиз, олмалари қип-қизил ва йириклиги билан атроф қишлоқларникидан ажралиб туради. Тегирмонлар оралаб юқорига кўтарилсангиз сойоқар текисликда мулла Абжал аканинг ажойиб боғи бор; ёнғоқ-у ўрик, олма-ю олча, беҳисоб наъматаклар. Соя-салқиндаги майсалар узра гиилам тўшаб, тандир кабоб-у қимиздан кейин сойнинг чулдирашига қулоқ тутиб, мизғиб олсангиз дунёга янгидан келгандай бўласиз!

Мулла Абжал ака 82 баҳорни кўрди: ҳали бел ўроқ билан пичан ўради, ҳар куни камида 5-6 чақирим тоғ сўқмоқларини оралайди. Ўнта дори бир бор пиёда юришнинг ўрнини боса олмайди, аммо пиёда юриш юзта дорининг ўрнини босади, деб бежиз айтишмайди.

Абжал ака саҳарда боғидан хабар олгани ва пичанларни ағдариб қўйишга бораётиб, кўзи иккита синган олма шоҳига тушди. Шоҳларида битта ҳам олма қолмабди. Бу ҳам майли-я, кўпгина шохлар эгилиб, синиб кетибди. «Бу айиқнинг иши» кўнглидан ўтказди у. Айиқ маймоқ бўлса-да дарахтларга чиқишда эпчил. Олди оёғидаги пих тирноқлари билан чуқур ровочларни кавлаб, наъматакнинг қизил меваларини синдириб ейди. Отахон неварасининг тўйига аталган олмаларни тинчитиб кетган айиқни қойиди:

— Е худо. Шу олмаларимни синдирганнинг биқинини шох тешиб чиқсин.

Эртасигаёқ айиқ яна олмахўрликка келди. Зеро, бу сафар маймоқ олмадан йиқилибди, биқинига олма шохи кириб, жигари қаттиқ лат ебдими, узоққа боролмай, Тангатопди сойининг у бетига ўтиб, жон берибди.

Абжал ака айтиб берар экан, қўшиб қўйди: «Қаранг-а, сиз ўз вақтида келдингиз, энди пўстинини сиз олақолинг, дориликка ўтини бериб кетсангиз бас. Бекорга айтилмаган-да: Бераман деса қулига, чиқариб қўяди йўлига, бермайман деса қулига, тополмайди пулига»...

Ғофур ЖУРАЕВ,
овчи.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Муассислар:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ
33-65-45, 32-55-15

Бош муҳаррир ўринбосари

Тўлаган НАЖМИДДИНОВ,
33-06-83, 32-55-04

Масъул котиблар

Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,
33-41-89, 32-55-70

Эркин ХУЖАЕВ,
33-79-14, 32-53-05

Масъул котиб ўринбосарлари

Ҳамид СУЛТОНОВ,
Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
33-72-83, 32-53-06.

Адабий котиб — Абдунаби МАННОПОВ

Бош корректор — Соҳиб САЛИМОВ
32-53-70.

РЕДАКЦИЯ МУДИРЛАРИ

Иқтисодий ҳаёт — Жўра ХОЛҚОСИМОВ
33-47-80, 32-53-14

Ижтимоий ҳаёт — Миршароф МУҲСИМОВ
32-21-43, 32-53-16

Вилоят мухбирлари билан ишлаш— Норбобо ШАКАРОВ
33-12-16, 32-57-20.

Хатлар — Муҳаммад ЮСУФ
33-20-36, 32-54-35

Бош рассом—Бозорбой ЖУМАБОЕВ

Иш бошқарувчиси — Юнус ЗИЁДОВ
33-65-45, 32-55-15

Ахборот-тижорат

Рустам АҲМАДАЛИЕВ — 32-54-14

Бош муҳаррир ҳузуридаги махсус мухбирлар

Рустам РАҲМОНОВ (Фарғона минтақаси бўйича) Булоқбошида — (37-152)

Абдулла ПЎЛАТОВ — 33-44-55, 32-55-05.

Ўз мухбирларимиз:

Анорбой ҚУРОНБОЕВ (Андижон) — 4-47-75

Нусратулла НАИМОВ (Бухоро) — 3-96-12

Абдужалил УМАРОВ (Гулистон) — 2-26-22

Баҳриддин САТТОРОВ (Жиззах) — 3-31-86

Мусо ҚАРОМОВ (Қарши) — 3-25-79

Музаффар ШАРОПОВ (Навоий) (телефон йўқ),

Абдуҳошим МАДАТОВ (Наманган) — 6-54-11

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ (Нукус) — 2-42-62

Фармон ТОШЕВ (Самарқанд) — 35-22-90

Эркин МАДРАҲИМОВ (Урганч) — 6-72-60

Алишер ИБОДИНОВ (Фарғона) — 6-97-40

Олимжон УСАНОВ (Термиз) — 2-23-01

Тўхтамурод ТОШЕВ (Тошкент шаҳри) —33-76-04

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ (Тошкент вилояти) — 32-26-70

Манзилгоҳимиз: 700083, Тошкент—ГСП Ленинград кўчаси, 32-уй.



Навбатчи муҳаррир: М. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.00. Г—394. № 205.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА НИГОҲИЙ ТАБИБ АБДУҒАФФОР АБДУЛЛАЕВ



19 октябрдан бошлаб бир ой давомида Тошкентнинг Собир Раҳимов райони 9-поликлиникасида соат 9.00 дан 14.00 га қадар (шанба, якшанбадан ташқари) даволаш сеанслари ўтказади.

Бош, оёқ ва қўл, жигар ва буйрак, томоқ оғриғи, қон босими паст ва баланд юрган, юрак ўйнаши ва юрак оғриғи бор беморлар биринчи сеансдаёқ фойдали таъсир оладилар. Ҳамда юзига ажин туша бошлаган аёлларга ҳам таъсир этади, бунинг учун улар ўзлари билан крем олиб келишлари шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, Себзор массиви, Автобус — 42, 478, 175. Троллейбус— 2, 7, 21.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Қаттиқ жисмлар физикаси.
2. Фитогельминтология.
3. Иқтисод, планлаштириш, халқ хўжалиги ва унинг тармоқларини бошқариш.
4. Иқтисодий ва социал география.
5. Социал психология, социология ва шахс психологияси.
6. Ўзбекистон тарихи.
7. Педагогика тарихи.
8. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш.
9. Философия.
10. Математика (дифференциал тенгламалар).
11. Ўзбек тилшунослиги.

Ҳужжатлар 15 октябрдан 15 ноябргача қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади: 732011, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 43-уй, Илмий бўлим.

Телефон: 2-71-73.

«НАЖОТ» ХАЛҚ ТАБОБАТИ ХАЙРИЯ—САВОБ ФИРМАСИ

бош шифокори, руҳий табиб, ноёб қобилият эгаси

МАЛИКА АЗИМОВА

ВА

аутотренинг ҳамда Бутейко усули билан даволовчи мутахассис-шифокор

ҚОСИМЖОН ИРИСБОЕВ

қуйидаги хасталиклар бўйича

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАЛАРИ ЎТКАЗАДИ:

СУРУНҚАЛИ ТОНЗИЛЛИТ, АЛЛЕРГИЯ, ЮРАК ХАСТАЛИКЛАРИ, ЖИНСИЙ АЪЗО ҚАСАЛЛИКЛАРИ, КИСТА (тухумдон шамоллаши), МИОМА, ФИБРОМА, ЭНДОМЕТРИТ, КЛИМАКТЕРИК НЕВРОЗЛАР, ПРОСТАТИТ, ЖИНСИЙ ЗАИФЛИКЛАР.

Даволаш муолажалари 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25 октябрь кунлари соат 12.00 да бошланади.

Манзилгоҳимиз: (Тошкент халқа йўли) Юнусобод мавзеси, Халқаро ўрмон хўжалиги тижорат ўқув маркази биноси, «Нажот» халқ табобат хайрия — савоб фирмаси.

Фирмага Мустақиллик майдонидаги Истиқлол бекатидан 169-автобусда, Дарҳон посёлкасидаги Давлат автомобиль назорати (ДАН) нинг «Уч қаҳрамон» бекатигача борилади.

ТЕЛЕФОН: 35-48-57.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Учқўрғон район кенгаши кенгаш биринчи котиби Ш. Абдуллаевга отаси

Хабибулло ШОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли «Физика-Қуёш» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ва касаба уюшмаси аъзолари илмий ходим М. Х. Маллаевга отаси

Маҳмуд Маллаевич МАЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бўлими жамоаси бўлим мудирининг муовини Т. А. Абдураҳмоновга отаси

Ибромжон АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади